

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOY HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 29-iyun, shanba № 79 (14570)

Sening tengdoshing

МУДДАТИДАН ОЛДИН ТАЛАБА БЎЛИШДИ

Энди улар ўзлари хоҳлаган олий ўқув юртларида тахсил олишади

Юртимиз бўйлаб минг-минглаб абитуриентлар томонидан бу йилги олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун тайёргарлик кетаётган бир пайтда Самарқанд Давлат университети қошидаги академик лицейнинг икки нафар иқтидорли ўқувчилари — Сарвиноз Шамсуддинова ҳамда Мақсуд Эргашевлар нуфузли олий ўқув юртларида ўқиш имтиёзини қўлга киритишди.

“Бу муваффақиятга эришишимиз бирмунча кийин кечди. Негаки, республикамизнинг турли бурчакларидан келган тенгдошларимизнинг билим савияси юқори даражада эди”, — дейишди улар суҳбат чоғида.


— Мен инглиз тили бўйича олимпиада ғолиби бўлдим, — дейди Сарвиноз. — Танловнинг республика босқичи икки турдан: ҳикояларни инглиз тилига таржима қилиш ва компьютерда берилган саволларга жавоб беришдан иборат бўлди. Энди мен Тошкент шаҳридаги ўзим орзу қилган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида ўқийман. Самарқанд шаҳридаги 50-мактабда илк сабоқларни олдим. Иқтисод фанига қизиққанам боис, ота-онамнинг маслаҳати билан 9-синфдан лицейнинг аниқ фанлар йўналиши бўйича ўқишга кирдим. Бевосита лицей раҳбариятининг тавсияси билан ўтган йил халқаро “Тинчлик корпуси” томонидан ўтказилган “Менинг фахрланадиган кишим” ва 10-синфлар ўртасида ўтказилган олимпиадаларда қатнашиб, биринчи ва иккинчи ўринларни эгалладим.

Режаларим ҳам кўп. “Умид” жамғармаси танловида иштирок этиб, хорижда билимларимни ошироқчиман. Фанни чуқур ўзлаштириб, Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшмоқчиман.

— Биздаги танловлар Сарвинозларникидан сал бошқачароқ, яъни бир босқичдан иборат бўлди, — дея суҳбатни давом эттирди биология бўйича республика олимпиадаси ғолиби Мақсуд Эргашев. — 50 та тест саволига 2,5 соат вақт ажратилди. Бироқ бир турдан иборат бўлса-да, уч кишининг бали дастлаб бир хил бўлиб қолди. Сўнгра ҳар уччаламиз уч мартадан куч синашиб, учта ўринга муносиб топилдик ва барчамизга олий ўқув юртига кириш имтиёзи берилди. Янги ўқув йилидан Тошкент тиббиёт институтининг даволаш факультети талабаси бўламан. Жиззах вилоятининг Ўсмаат қишлоғида туғилганман. Оиламиз Самарқандга кўчиб келгач, Темир йўл туманидаги 28-ўрта мактабда таълим олдим. У ерда ўқитувчиларим М. Сатторова ва Ж. Ориповалар кўмаги билан лицейимизнинг табиий фанлар йўналишига ўқишга кирдим. “Ёш биологлар” республика танловида иккинчи ўринни олишим сабаб, халқаро олимпиадаларда иштирок этиш учун терма жамоага аъзо бўлдим. Кўпчилик тенгдошларим қатори менинг ҳам хорижда тиббиёт сир-асрорларини ўрганиш ва уни кишиларимиз саломатлиги йўлида қўллаш каби каттагина ниятларим бор. Хали бунинг учун жуда кўп ўқишим керак.

Зоҳида БОЙМАТОВА

СОЗ ЎТАЁТГАН ЁЗ



Азиз АКРОМОВ олган суратлар

ХАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

“Бунёдкор” ёшлар телеклубида “Матбуотчилар куни” муносабати билан ўтказилган байрам кечасида газета, радио ва телевидениеда фаолият юритаётган журналистлар ҳамда журналист-кадрлар тайёрлаётган ўқув юртларининг ўқитувчилари иштирок этишди. Таклиф этилган журналистлар клуб фахрий аъзолигига қабул қилинди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Харақатнинг Андижон вилоят Кенгаши катта байрам тадбири ўтказди. Унда ёшларни Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, ҳуқуқбузарликка барҳам бериш мавзудаги ўз мақола ва кўрсатувлари билан ғолиб чиққан журналистларга Андижон телерадио компанияси, Харақат вилоят Кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Бахтиёр РАВШАНОВ

Қашқадарё вилоят Кенгашида “Матбуотчилар куни” муносабати билан “Ёшлар ва матбуот” мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ёш журналистлар, ўқув юртлари бошланғич ташкилот етакчилари ва талабалар иштирок этди. Давра суҳбатиди иқтидорли ҳамда истеъдодли ёшлар фаолиятининг ёритилиши, ёшлар муаммолари, Харақат Кенгашлари томонидан ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига доир қатор фикрлар ўртага ташланди.

А.ДУЛАНОВ

ГИЁҲВАНД МОДДА ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Сирли жойи йўқки, гиёҳвандлик бугунга келиб, бутун дунёда глобал муаммолардан бирига айланди. Бир вақтлар ота-боболари ҳатто сигаретани ҳам оғзига олмаган баъзи ёшларнинг ҳозирда ўз танасини ўзи қийнаб, оғуфурушлик қилаётганини қандай изоҳлаш ёки ўзи истеъмол қилмаса-да, бошқалар оиласига кулфатни пуллаётганларни қандай тоифага киритиш мумкин? Бу сўзларни ёзиш ҳамда тилга олиш қанчалик оғир бўлмасин, не чораки буларнинг бари ҳаётимизда учраб турибди.

Куни кеча гиёҳвандликка қарши курашадиган махсус хизматлар ва Миллий Хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан қўлга олинган **икки тонна икки юз эллик килограмм ҳамда икки юз ўттиз бир килограмм турли гиёҳванд моддалар оммавий ахборот воситалари ходимлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида ёқиб юборилди.**

Ўз мухбиримиз

ЖУРНАЛИСТИКАДА ГАП КЎП...

Президентимизнинг “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига” йўлаган байрам табриги ҳар бир қаламкашни тўққилантириб, яна бир қарра ўз ишига танқидий кўз билан қарашга ундади десак янглишмаган бўламиз. Шу муносабат билан ўзининг “Аср қиёфаси” муаллифлик кўрсатуви ҳамда “Сарҳадлар оша...”, “Яқин-йироқлар” каби бир қатор ҳужжатли, ижтимоий-сиёсий мавзудаги туркум кўрсатувлари билан кўпчиликка танилишига улгурган “Ёшлар” телеканали “Давр” информацион дастурининг журналисти Комилжон ШАМСИДДИНОВни суҳбатга тортиб, у кишининг фикрларини билишга қизиқдик.

очикроқ бўлиши”, яъни ўзгалар илғаман, илғашга улгурмаган жиҳатларни кўра билиш ҳам муҳим бўлади, назаримда.

— Тележурналистикасига муносабатингиз?

— Едингизда бўлса, 80-йилларда телевидениеда “Ҳаёт кувончлари ва ташвишлари” деган кўрсатув бўлар эди. Кейин эса шу тахлит кўрсатув ва кўрсатувчалар болалаб кетди. Лекин бирортаси ўша кўрсатувдек бўлмади-ку. Сабаб нима?

Биринчидан, халқнинг “Ўзидан олиб, ўзига бера олиш” даражамиз юқори бўлиши керак. Унда юрак, дард ва профессио-нализм қоришмаси бўлсин. Иккинчидан, энг асосийси - вужуддаги кўрқоқлик, торгиниш, ҳадик деган туйғуларни ҳеч бўлмаганда, эфир пайтида ҳай-

даб чиқара олиш лозим. Мавзулар халқнинг дилига ва тилига яқин бўлсин. Ва учинчидан, ҳаминқадар савод билан, фақатгина машҳур бўлишни мақсад қилиб, эфирга чиқиш дегани — телевидение истиқболлига ак таъсир этади. Ютуқ кўп, улар ўзимизники, аммо мен камчилик ҳақида кўпроқ тўхтадим шекилли.

— Ҳозирги ёшларга нисбатан фикрингиз?

— Уларнинг янгиликни тез илғаб олаётгани, илм олишга интилаётгани мени қувонтиради. Хорижга чиқиб келишяпти. Аммо айрим ёшларнинг “уяту андишанинг оғзига латта тиқиб” ўзи қилаётган иши исириққа туруқ бўлмаса-да, “даҳолик даво қилишини” бироз тушунмайман. — Шу пайтгача қилган қай-

си ижод маҳсулинингиздан қониқиб ҳосил қилгансиз? Кейин — режалар ҳақида... агар сир бўлмаса.

— Сирли жойи йўқ, Умуман, “Давр”да ишлаётганимизга уч йил бўлган бўлса, шу уч йил ичида юзлаб репортажлар, лавҳалар, “Аср қиёфаси”нинг қарийб 140 та сонини тайёрладик. Билмадим энди, қайси бири тузукроғу қай бирлари бундайроқ чиққан бўлса. Баҳоловчи — томошабин-ку. Лекин ўзимга ёққан ишларим — халқаро терроризмга бағишланган “Сарҳадлар оша” публицистик фильмининг ҳар уччала қисми ва Сурхондарё вилоятига бағишланиб, 1-каналда намойиш қилинган “Яқин йироқлар” кўрсатувидир. Минг афсуски, шу сўнгги кўрсатувнинг бошқа вилоятларга аталган кейинги сонларини тайёрлаш бироз чўзилди-да. Мингта кундалик ташвиш, хуллас сабаб кўп. Режа шу — “Яқин-йироқлар”нинг кейинги сонларини кўнгилдагидек қилиб тайёрлаш.

Рустам СУЛАЙМОНОВ суҳбатлашди



— Одатта кўра, суҳбатимизни журналистика соҳасига, хусусан, телевидение оламини кириб келган дамларингиздан бошласак.

— Нима десам экан, агар буни бевосита “кириб келиш” дейдиган бўлсак, биринчи ошнолик, биринчи қадамлар 1993 йилда Каттақўрғоннинг янги очилган маҳаллий телевидениесида бошловчи бўлган кезларимдан бошланган. Республика телевидениесига эса ўша қизиқишлар натижаси ўлароқ, 1999 йилда келганман. Унгача банк тизимида ишлардим.

— Сизнингча, моҳир журналист энг аввало қандай фазилатларни ўзида мужассам этмоғи лозим?

— Энг аввало, -холисликни. Шу билан бирга кўнгли, қўли ва нияти тозалликни касб қилмоғи керак. Шу билан бирга — Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, “Бошқалардан кўра кўз

Ana xalos

БАҲОНА ТОШ БОСМАЙДИ

“Мирзачўл” қурилиш очиқ турдаги акционерлик жамияти бир пайтлар донги кетган корхоналардан бўлиб, унда олти мингдан ўн минггача ишчилар ишлаган. Бугунга келиб эса бу кўрсаткич бор-йўғи 604 кишига камайиб қолди.

Бунинг асосий сабабларидан бири ишчиларга иш ҳақи ўз вақтида берилмаслиги бўлса, иккинчи бир жиҳати ҳали-ҳануз махсус иш кийимлари билан таъминланмасдан, фақат ваъдалар бериб келинаётганлигидир.

Бугунги кунда корхонанинг дебитор қарзи 280 млн. кредиторлик қарзи эса 343 млн., иш ҳақидан қарзлари 26 млн. сўмни ташкил этади.

“Мирзачўл” қурилиш бошқармаси бир пайтлар, нафақат Сирдарё вилоятида, балки кўшни Жиззах ва Тошкент вилоятларига ҳам намунали хизмат кўрсатиб, шон-шухрат орттирганди. 8 та ПМК ва 2 та транспорт саройи бор эди, тўғри ҳозир ҳам бор, фақат номигина қолган, холос. Кўпгина транспортлари сотилиб кетган ва борлари ҳам таъмирлашга муҳтож ҳолатда турибди. Энди “Мирзачўл” қурилиш очиқ турдаги акционерлик жамияти 2001 йил якунларига эътибор берамиз: Боёвут туманидаги 3 - Боёвут, 1 - Боёвут ва Сайхун-обод туманидаги “Намуна” қишлоқларида қишлоқ врачлик пункти аслида 9 ой мобайнида қуриб битказилиши керак эди. Аммо қурилиш бир йилдан ҳам ортиқча чўзилиб кетди. 2001 йилнинг март ойида қурилиш ишлари бошланган, Янгиер педагогика коллежи шартнома бўйича 2001 йилнинг сентябрь ойида қурилиб, фойдаланишга топширилиши керак эди. Афсуски, қурилиш корхонаси ишни 2002 йилга чўзиб юборди. Зафир Абдураимовдан бу ҳақда сўраганимизда, у киши “Бюджетдан 1 млрд. 200 млн. сўм пул ўтказилиши керак эди. Шундан 950 млн. сўми ўтказилган, яқин кунларда 250 млн.ни ҳам ўтказилса, қурилиш ишларини бошлаб юборамиз” деб жавоб берди. Аммо Янгиер педагогика коллежи директори Исматулло Исоқов бинонинг 2002 йил июль ойида ҳам қурилиб топширилишига ишонмаяпти. Албатта, бир йилдан бери биткама коллеж бир ой ичида қандай қилиб битказилиши мумкин? Айни пайтда бинода 15 нифар қурувчи ишламоқда, холос, қолган ишчилар эса маош ололмаётгани учун ишга чиқишмаяпти. Аслида, ушбу коллеж 450 ўринга мўлжалланган ва 100 ўринлик ётоқхонаси ҳам бўлиши лозим. Коллежнинг ташқи кўринишини кўрган одамнинг ҳаваси келади. Кўча қисми тўлиқ қуриб битказилган, аммо орқа томонида ҳали эшик-деразалар қўйилмаган, ҳовлига асфальт ётқизилмаган, коллеж ичидаги спорт ўйингоҳи-ю, ётоқхоналарга ҳали қўл урилмаган. Шу ўринда ўйлаб қоласан киши, қоғозда 2001 йил сентябрь ойида қуриб битказилиши керак бўлган коллеж биноси қурилиши, наҳотки бир йиллаб чўзилса...

**Эркин САИДОВ,
«Turkiston» мухбири**

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК:

ЭРТА ФАРЗАНД КЎРИШ ХАВФЛИМИ?

Репродуктив саломатлик масаласи фақат оилада туғилажак болалар сонини чеклашгина эмас, балки ўз ичига кенгроқ масалаларни қамраб олади. Бунда асосий эътибор оилада фаровонликни таъминлаш, ижобий психологик иқлимнинг ҳукм суриши, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, оилаларнинг том маънода мустаҳкамлигини таъминлаш кабилар назарда тутилади.

Маълумки, онанинг фарзанд кўриши ёши, фарзандларининг сони, болалар туғилиши орасидаги муддат ҳамда аёл ва бола саломатлиги ўртаси-

да маълум бир боғлиқлик мавжуд. Албатта, 16-18 ёшларда аёл киши организми соғлом фарзанд кўриш учун ҳали тўла етилган бўлмайдди. Эрта фарзанд кўриши ёш она саломатлигига ҳам, ундан туғилажак бола саломатлигига ҳам маълум даражада хавф туғдириши мумкин. Ҳомиладор бўлиш, ҳомилани етилтириш ва зурриётни дунёга келтириш билан боғлиқ жараёнларда она организми ўзидан жуда кўп миқдорда қувват сарфлайди, яъни “толиқади”. Бундан, албатта сақланиш лозим.

Ўз мухбиримиз

Миллий ғоя ўзининг қудратли таъсирчан кучи ва руҳи билан халқимиз, аynиқса, ёшлар ҳаётига чуқур кириб бормоқда. Миллий ғоянинг жозибадор кучи, бағрикенглик, дунёвийлик, ҳаётийлик ҳиссиёти билан суғорилганлигидадир.

Миллий истиқлол ғояси халқни бирлаштирувчи, уни яратувчиликка сафарбар этувчи ўзига хос катта куч. Бу ҳақиқат. Чунки, унинг мустаҳкам пойдевори аниқ мақсадга йўналтирилган. Дарвоқе буюқ донишмандлар Арасту ва Форобийлар таъкидлаб ўтганларидек, “мукаммал мақсадга эришиш бахтсаодат йўлидир”. Бу ҳақда Юртбошимиз “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларида жуда ҳам ёрқин ва равшан кўрсатиб берган эди: “Мақсад дегани — халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улғу кучдир. Давлатимиз, халқимиз, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улғуворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи, бу мақсад халқни халқ, миллатни миллат қила билсин, қўлимизда энгилмас бир кучга айлансин!”

Мана шу улғувор мақсадни амалга оширишда, миллий ғояни инсон онги ва қалбига сингдиришда оила ҳамда маҳалланинг ўрни ва роли бениҳоя катта. Шу ўринда Юртбошимизнинг ушбу сўзларини келтириб ўтиш ўринлидир. “Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади”.

Дарҳақиқат, миллий қадриятларимизга, миллий истиқлол ғоямизга хос бўлган онг, тушунчалар, қарашлар илк бор оила муҳитида вужудга келади ва мунтазам равишда ёш авлод қалбига сингиб боради. Ўзбек миллатига хос менталитет, яшаш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, тафаккур шакли даставвал оилада шаклланиб, яхлит миллий онгни ва ғоялар тизимини вужудга келтиради. Оила — жамиятнинг нисбатан мустақил негизи бўлиб, унда авлод-аждодлар бирлиги, ўзаро меҳр-оқибат, ўзаро милолат анъаналарни ва шон-шарафни ардоқлаш ғоясини мустаҳкамлашга эга бўлади. Шу асосда

қарор топган оила жамиятнинг мустаҳкам таянчи бўлиб, бутун жамиятга, хусусан, оилага ёт бўлган зарарли фикр ва ғояларга

нисбатан қарши иммунитет шаклланади. Бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва аҳиллик, бошқа халқларга нисбатан хайрихоҳлик, миллий анъаналарни асраб-авайлаш, Ватанни, ўзи туғилган жойини, унинг табиати-ни севиш каби юксак туйғулар оиладаги муҳитнинг моҳиятини кўрсатади. Оиладаги соғлом муҳит миллий истиқлол мафқураси билан уйғунлашиб кетса, ҳар қандай ёвуз интилишларга қарши мустаҳкам қалъа бўлади.

Мафқуравий тарбияни оиладан бошламоқ керак. Оиладаги ёшларга миллатимизга хос бўлган олийжаноб хислатларни улғулаш, уларга нисбатан меҳр-садоқат руҳини сингдириш келгусида ўзининг ижобий мевасини бериши аниқ. Миллий ғоя тушунчаси назарий ва амалий эҳтиёжлари, турмуш тарзи, ижтимоий тараққиёт тамойиллари ҳамда идеалларини ифодалаганлидек, оила ҳам мафқуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир.

Оилада эртанги кунга ишонч, меҳр-оқибат, ҳалоллик ва поклик, инсоф, сабр-тоқат, эзгулик, қон-қариндошлар ҳақида гамхўрлик туйғуларни шаклланади. Бутун миллатга хос бўлган барча маънавий бойликлар авваламбор оилада камол топиб боради. “Юртимиздаги ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало оиладан бошланади. Шу боис оила ва мафқура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир”, — дейди Юртбошимиз. Миллий ғоя оилада шакллана бориб, маҳаллада янада кенгроқ миқёсда қарор топади. Маҳалла ўзбек халқининг энг ноёб, тақдорланмас фазилатидир.

Маҳаллада жамоанинг ижтимоий-сиёсий, маънавий қарашлари ва интилишлари шаклланади. Одамларнинг ахлоқий ва руҳий бирлиги вужудга келади. Унда қарор топган одоб-ахлоқ

меъёрлари ҳамма учун бажарилиши зарур бўлган “қонун”га айланади. Ўзбек миллатига тааллуқли бўлган меҳмондўстлик, ўзаро

бағрикенглик, бошқалар ҳақида гамхўрлик ва қайғуриш каби хислатлар маҳалла тушунчасининг негизига сингиб кетган. Турмушда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар маҳалла жамоатчилигини бефарқ қолдирмайди, балки ҳар бир оиладаги қувонч ёки мусибатни ўзиники сифатида қабул қилади. Бу ҳақда чет эллик тадқиқотчи олимлар Л. Левитин ва Д. Карлайллар зўр эҳтиром ва мамнуният билан шундай деб ёзадилар: “Ўзбекларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришга, маҳалла ҳаётида иштирок этишга мойиллиги минг йиллар давомида шаклланган. Маҳалланинг ҳар бир вақили унга фақат шу ерда туғилгани учунгина боғланиб қолмайди. У маҳаллий жамоада эркин, бир-бирига сийқидилдан кўмаклашувини кўради, ўзини унинг бир бўлаги деб ҳисоблайди, чунки маҳалла унинг бошига мусибат тушганда яккалаб қўймайди”.

Маҳалла ноёб тарбия ва ибрат мактабидир. Унда ҳар кишининг хатти-ҳаракати маҳалланинг кўз олдида туради. Миллий удумлар, урф-одатлар, анъаналарнинг азалий сир-асрорлари тоза ҳолда сақланиб, авлоддан-авлодга ўтиб боради. Адолат, тинчлик, ўзаро ҳурмат, бир-бирига ёрдам бериш каби маънавий-ахлоқий мезонлар маҳалла ҳаётининг таркибий қисми ҳисобланади. “Бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб инсоний фазилатлар айнан маҳалла муҳитида камол топади. Шу маънода маҳаллани ўзини-ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси деб аташ мумкин”, — дейди Юртбошимиз.

Маҳаллада ғоявий бирликнинг омиллари қарор топади. Миллий маънавий меросга ёт юриш-туришлар, хулқ-атвор ва фикрлар маҳалла жамоатчилиги томонидан ўз-ўзидан инкор этилади. Бошқа

миллатга мансуб халқларни ҳурмат қилиш хислати ҳам ўзбекларнинг характерли хусусиятидир. Агар чекка ўлкаларда юрган одам нотаниш, аммо ўзининг миллатдоши — ўзбекни кўриб қолса қувонади ва гурурланади. Худди шундай ҳодиса маҳалладошини кўрганда ҳам рўй бера-

ди. Маҳаллада юзага келган маънавий-руҳий ва ижтимоий муҳит миллий истиқлол мафқураси ва миллий ғоя тамойиллари қарор топишининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади. Миллат шаънига доғ туширадиган ватанфуруш хоинлар, террорчи-жиноятчилар, ўғри-каллакесарлар, диний ақидапарастлар ва гиёҳвандларга қарши курашда маҳалла жуда катта роль ўйнайди ва шундай бўлмоқда ҳам. Шунинг учун ҳам бузғунчи ёвуз кучлар юртимиздан, унинг асосий бўғини бўлган маҳалладан ўзларига бирорта ҳам паноҳ топа олмадилар.

Маҳалла эзгуликка қаратилган ҳар қандай фикр ва ғояларни яқдиллик билан қўллаб-қувватлайди. У ерда мафқуравий ишларни кенг ва самарали олиб бориш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд. Миллий истиқлол мафқурасининг бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин, фаровон ҳаёт қуриш учун фидойи курашчилар оила ва маҳаллада шаклланади. “Маҳалла — аввало, соғлом ижтимоий муҳит маскандир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради”. Оила ва маҳалла ўзаро ажралмас бирликдандир. Улар халқимиз томонидан муқаддас бир саждагоҳ сифатида улуғланиб келинади. Миллий ғоя ҳам шу даргоҳда қарор топади, ёшларнинг қалби ва онгига мустаҳкам жойланади. Ғоя ва амалиётнинг бирлиги мустақил юртимиз тараққиётининг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилади.

**Д. САЛОМОВ,
М. ЭРГАШЕВ,
Фаргона Давлат университети иқтисодиёт факультети талабалари**

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ



БОШҚА БИРОВ УЧУН СИЗ ПУЛ ТЎЛАМАЯПСИЗМИ?

Тошкент шаҳар прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори Нилуфар Анваровна АЛЛАБЕРГЕНОВА билан суҳбат

— Нилуфар Анваровна, шу кунларда кўпчиликни ташвишлантириб турган ҳолат, яъни уй-жой мулкдорлари ширкатлари тизимида йўл қўйилаётган қонунбузарликлар ҳақида гапириб берсангиз?

— Ҳар қандай янгилик, ўзгариш одамлар учун фойдали бўлиши, турмушни яхшилашга хизмат қилиши керак. Шундагина у эътироф этилади.

Эски ЖЭКлар тизими уй-жой мулкдорлари ширкатларига ўзгартирилганда кўпчилик энди анчагина муаммоларимиз осонгина ҳал бўлади, деб ўйланганди. Шундай бўлди ҳам. Аммо, афсуски, ҳамма жойда ҳам эмас...

Тошкент шаҳар прокуратураси умумий назорат бўлими томонидан "Шарт-сервис" уй-жой мулкдорлари ширкатида ўтказилган текширишда шу нарса аниқландики, ширкатда 2001 йил август, сентябрь, октябрь, ноябрь ойларида аҳолидан, яъни уй-жой мулкдорларидан 6459618 сўм йиғиб олинган, лекин ширкат ҳисоб рақамига

4914445 сўм келиб тушган. Ширкатнинг мансабдор шахслари томонидан коммунал ва эксплуатация хизматларидан келиб тушган 2395187 сўм пул маблағлари ноқонуний ўзлаштирилган. Шунга қўра, ширкат масъул мутасаддиларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши кўзга тутилди ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

"Зебо-Шамс" уй-жой мулкдорлари ширкатида ўтказилган текширишда ҳам худди шундай ҳол аниқланди. 2000-2001 йилларда коммунал ва эксплуатация хизмати учун тўланган маблағ ширкат ходимлари томонидан талон-тарож қилинган, оқибатда, мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а,б" банди билан жиноят иши кўзга тутилди.

— **Одамларнинг оғирини енгил, мушкулени осон қилиши лозим бўла туриб, бу соҳада тескари иш тутаётганлар бир-иккита**

эмасдир?

— Аҳолига қулай бўлиши учун соҳада ўтказилаётган ислохотларга тўғонок бўлаётганлар, ўз вазифасини суиистеъмол қилаётганлар, афсуски, бир-иккита эмас. Пойтахтдаги "Д-20 Наврўз" уй-жой мулкдорлари ширкатида ўтказилган текширишда аниқланишича, ширкат раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан касса операцияларини юритиш тартиби ва тўлов интизоми, товар-моддий бойликларнинг қабул қилиниши, сақланиши ва тўғри тарқатилиш тартиби кўпол равишда бузилган. Ширкатнинг моддий жавобгар шахси зиммасидаги моддий қийматга эга буюмлар ҳисобдан ўтказилганда камомат ва ортиқча моддий бойликлар мавжудлиги аниқланди ҳамда у интизомий жавобгарликка тортилди.

Мазкур ширкатда коммунал хизматлар тўловларини олиб бориш вазифаси юкланган ходимлар томонидан Д-20, 30-уй, 70-хонадонда ва 23-уй, 19-хонадонда истиқомат қилувчи фуқароларга коммунал хизматини тўлашда имтиёз ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолда 50 фоиз имтиёз белгилангани боис уларга нисбатан проку-

рорлик таъсир чоралари қўлланилган. Ахир, бу борада кимлар имтиёздан фойдаланиши мумкинлиги ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган-ку. Наҳотки, барча учун тенг бу қондан ширкат ходимлари ўзбошимчалик билан ўзгартиришлари мумкин бўлса? Шу ўринда бир мулоҳаза туғилди: кўпчилик коммунал хизматлар учун тўловлар тез-тез кўтарилиб бораётганидан нолиб қолади. Бундай тез суръатдаги "ўсишлар" жойларда ширкат раҳбарларининг "ташаббуси" билан бўлаётганмикин? Белгиланган имтиёздан ноқонуний фойдаланаётганлар учун бошқалардан ортиғи билан маблағ ундирилмаётганмикин?

"Сершоҳ-хизмат" уй-жой мулкдорлари ширкатида ширкат раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан касса операцияларини юритиш тартиби ва тўлов интизоми кўпол равишда бузилган. Бу ерда ҳам имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолда ширкат раҳбарларининг "ҳотамтойлиги" билан шу имтиёздан фойдаланилган.

Шунингдек, ушбу ширкат раси томонидан ширкат ман-

фаати ва молиявий фаолиятига, даромад ва харажат смета-сига зид равишда шартномалар тузилган. Унга қўра бир неча уй бошқарувчилари уй-жойдан фойдаланиш тўловларидан озод этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони ва амалдаги қонунларга қўра эса ширкат бошқарув ваколатига уй-жойлардан фойдаланиш тўловларидан озод этиш ҳуқуқи берилмаган.

Текшириш давомида ширкатнинг ойлик тарқатиш ведомостларида сохта имзолар қўйилиб, ойлик маошлари ноқонуний ўзлаштирилгани аниқланди.

Пойтахтдаги аксарият кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларига қишда иссиқ, ёзда совуқ сув чиқмаслиги маълум. Эскирган, муддатини ўтаган буюмларни янгилаш учун кўпинча маблағ етишмайди, деган баҳоналар рўқач қилинади. Жойларда мутасадди шахслар томонидан миллион-миллион сўм маблағ талон-тарож қилинаётган экан, албатта, турар-жой шароитларини яхшилаш муаммо бўлиб қолаверади.

«Turkiston» мухбири Доно ОТАКУЛОВА суҳбатлашди

НАФС БАНДАЛАРИ

Гиёҳвандлик — аср вабоси. Унинг оқибатида неча-неча ёшнинг умри бевақт хазон бўлади, қанча гўдакка туғилмасдан туриб, ота-онанинг айби билан, ногиронлик тамғаси битилади.

Лекин мана шу фожеаларни англаб етганларнинг ноқонуний гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилаётгани жуда ачинарли ҳолдир. Яқинда Юнусобод тумани 18-даҳасидаги ТХАЙда "Қорадори — 2002" тадбири натижаси ўлароқ милиция ходимлари томонидан ушланган Қ.С. ҳам ана шундай шахслар сирасига қиради. У ёнида ярим килодан ошиқ "героин" гиёҳвандлик моддасини олиб кетаётганди. Утказилган текширув натижасида шубҳали кўринган Қ.С.нинг сирини ошкор бўлди.

Тошкент шаҳрининг бошқа бир тумани, аниқроғи, Яққасаройда яна шундай бир оғуфрушининг кирдикори ИИБ ҳамда МХХ ходимлари томонидан очилди. Ушбу оғуфруш Х.Б. исмли кимса бўлиб, аввал судланган бўлса-да, ўзига тўғри хулоса чиқариб олмади. У ушланиб, тинтув қилинганда ёнидан 1 кгдан ортиқ "героин" гиёҳвандлик моддаси топилди.

Масаланинг энг ачинарли томони шундаки, наркотик моддалар билан савдо қилишни баъзи ёшлар ўзига касб қилиб олмоқда. Ана шундай ўсмирлардан бири, тер тўкмай, мўмай даромад топмоқчи бўлган Б. қиймати 20.000 сўмлик бўлган гиёҳвандлик моддасини сотмоқчи бўлганда ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Эҳ, ёшлар, арзимаган пулни деб энди у умрини панжара ортида ўтказди. Агар мана шу оғунинг одамлар бошига не-не мусибатлар келтиришини яхшилаб ўйлаб кўрганда юқоридаги каби жиноятларга қўл урмасмиди? Ёки бу одамлар нафснинг энг куйи ботқоғига ботиб кетишганмикин? Улар энди қанчалик пушаймон бўлишмасин, вақт ўтди. Олдинроқ ўйлаб кўрганларида, ҳозир афсус чекишмасмиди?

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази материаллари асосида Бехзод БОЗОРОВ тайёрлади

(Давоми, боши ўтган сонда)

— Ундай бўлса, бугун ўлжамиз бакуват бўлади. Аммо ишимиз ҳам шунга яраша жиддийроқ. Шунинг учун ҳам аввалдан режа тузиб, ишни пухта қилишимиз керак.

— Хўп, биз рози, дедик-ку, ахир. Ҳадеб, гапни чўза-вермай бўладиганини айтиб қўя қолмайсанми, шеф!

— Бир хонадонни биламан, жуда бой яшайди. "Кўк"и ҳам анча-мунча. Бугун ўшани гум қилиб, уйини яхшилаб супуриб чиқамиз!

— Э, одам ўлдирдиган бўлсак, мен бу ишда қатнашмайман, — деди Р. Абдурашидов. — Лекин билиб қўй, "ов" бароридан келса, "доля"мни берасанлар!

— Майли, — деди Югай. — Бизда мажбурлаш йўқ. Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида.

Шундай қилиб Абдурашидов "уйин"дан чиқди ҳисоб. Лекин қолганлар шефнинг таклифини жон деб қабул қилишди.

Югай уларга астагина қўйнидаги қирқма милтиқни кўрсатди.

— Буни қаердан олдинг, шеф?

— Бундан бир ҳафта бурун чирчиқлик Леонид Тендан 700 АҚШ долларига сотиб олдим!

— Оҳ-оҳ, намунча қиммат!

— Ие, галварс, бу нима деганинг. Бунга сарфланган 700 доллар шу бугунги "ов"нинг ўзидаёқ камида ўн баравар бўлиб қайтади!

Учовлон ароққа бўкиб олишгач, тунги соат 24 ларда Сомновая кўчасидаги 33-хонадонда яшовчи Юсуф Ҳожиметовнинг хонадонни ёнида пайдо бўлишди. Келишувга мувофиқ Югай девордан ошиб тушиб, дарвозани ичкарасидан очди ва Ермаковни ҳам ичкарига киритди. Саидази-

мов эса ҳар эҳтимолга қарши кўчада пойқочилик қилиб қолди. Икковлон дераза ой-насини аста кўчириб бир четга қўйишди-да, узун-қисқа бўлиб навбат билан уй ичкарасига киришди. Қарашса, хонадон соҳиби донг қотиб ухлаб ётибди!

Югай унинг уйғониб қолишидан ташвишга тушиди ва ўзи билан олиб келган 16-калибрли қирқма милтиқни олиб, Юсуф Ҳожиметовнинг бошига ўқ узди. Ҳожиметов шу лаҳзадаёқ жон таслим қилди.

Ўлдирганини ҳам айтди. Шунга қарамай, Абдурашидов ўз "доля"сини олди. Мадусмонов эса бу билакузукни Абдурашидовдан сотиш мақсадида қабул қилиб олди ва бўлган воқеани сир сақлашга ваъда берди.

Югай ва бошқалар бу сафарги катта "ўлжа"ни ўзаро "бахам" кўришди. Лекин шунча бойлик ҳам уларни тўғри, ҳалол йўлга буриб юборолмади. Аксинча, яна янги жиноятлар сари шўнғиб кетишди.

Босқинчи гуруҳ навбатдаги

«ҚУТУРГАН» ГУРУҲ

Ёхуд унинг ваҳшиёна қилмишлари хусусида

Хонадонда бошқа ҳеч ким йўқ эди. Икки горагчи ҳаммаёқни тинтув қилиб, "қўлга илинадиган" қимматбаҳо буюмларни олишди. Табиийки, энг аввало 6.100 АҚШ доллари ва 350.000 сўмни олиб кўнжига тикди. Кейин эса "Акай" видеомагнитофонини, телефон аппарати, эркалар курткаси, бир шиша шампань виноси, 10 блок "ТУ-134" сигарети, икки жуфт эркалар туфлиси, учта тилла узук, тўртта тилла зирак, аёллар билакузуги ва бошқа яна бир қатор тилла буюмларни (жами 8.202.266 сўмлик) олиб ташқарига чиқаришди. У ерда эса икковлонни ҳамон Саидазимов кутиб турган эди. Учовлон бўлиб, воқеа жойидан қочиб қолишди.

Эртасига Саидазимовга битта аёллар билакузугини бериб, уни Абдурашидовга топшириб қўйишини айтди. Ўз навбатида Саидазимов М. Мадусмоновнинг гувоҳлигида бу матоҳни эгасига топширди. Табиийки, уша кунги "ов" чоғида Ҳожиметовни отиб

"юриш"ини ҳам 6-Қорасув мавзеида содир этишди. Улар 4-"Б" уйнинг 59-хонадонига тунги соат 23 да бостириб кириб, хонадон соҳибининг 280 АҚШ доллари, 230.000 сўмини, 70 минг сўмлик тилла узугини, 78 минг сўмлик видеомагнитофонини, 50.000 сўмлик қўл телефонини, "Моторола" пейджерини ва бошқа жами 537.088 сўмлик мол-мулкни ўмариб кетишди.

Орадан кўп ўтмай Югай бошлиқ бу очофат горагчилар Семашко кўчасида жойлашган 1-уй яқинидаги тижорат дўконини "супуриб" чиқишди. Улар бу ишни магазиннинг темир чамбарагини эгиб, орасидан ичкарига кириш йўли билан амалга оширишди. Талончилар Д. Исаева тегишли бу магазиндан жами 30 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўмаришди.

Бу ердан ўмарилган консерва, шоколад кабиларни маза қилиб "туширган" баднафслар яна ароққа бўкиб навбатдаги "ов"га чиқишди. Бу гал улар Чирчиқ шаҳрида-

ги 3-кичик туманда жойлашган 70-уйнинг 39-хонадонига талончилик қилишди.

"Ов"га В. Ивановни ҳам бирга олиб чиққан гуруҳ аъзолари хонадон соҳибаси Л. Зиятдиновани ўлдириб билан кўрқитиб, унга куш ишлатиб, оёқ-қўлларини бойлаб ташлашди-да, унинг уйдан 1500 АҚШ доллари, 50.000 сўм, 2 та бриллиант кўзли тилла никоҳ узуги ва бошқа анчагина қимматбаҳо буюмларни олиб кетишди. Зиятдиновдан ўмармалари жами 2.389.250 сўмликни ташкил этди. Албатта, бу "ов" жараёнида ҳам гуруҳга Югайнинг қирқма милтиғи асқотди.

Югай мазкур "ов"дан сўнг ажал уруғини сочувчи қирқма милтиғини сақлаб қўйиш учун В. Харитоновга топширди. Албатта, қуруққа эмас, 6000 сўм эвазига!

Гуруҳ бошлиғи қотил Югай бора-бора ўғрилигу босқинчилик қилмаса тутолмайдиган бўлиб қолди. У ярим тунда 2-Қорасув мавзеидаги 45-уйнинг иккинчи қаватида жойлашган 33-хонадонга балкон орқали кириб борди. Бироқ уй эгаси А. Скосирова уйғониб қолиб, кўрққанида, ёрдам сўраб доллай бошлади. Аммо шунда ҳам ваҳший Югайнинг кўнгли бироз бўлса-да юмшамасди. У қаршида дир-дир титраб, ёлвориб турган аёлнинг юзини ўзи билан олиб келган лезвияда тилиб ташлади. Кейин эса унинг қўшнилари ёрдамга етиб келишидан кўрқиб, жуфтакни ростлади.

(Давоми бор)

Мансур МУСАЕВ, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси. Мурод КАЛОНХОН, Республикада хизмат кўрсатган журналист

Сўнги пайтда кўпчилик орасида "Мен шамолладим, чарчаб қоляпман, кувватим қолмади, балки қариётган-дирман" деган гап-сўзлар тез-тез учраб турибдики, сабабини билмай ўйланиб қоламиз. Айни шу саволларга эса машхур табобатшунос олим Поль Бреггер куйидагича жавоб топган:

"Касалликдан азоб чекаётган, бевақт қариётганлар тезроқ соғайишни, ёшаришни орзу қилишади. Эсингизда бўлсин, саломатлик учун тер тўкиш керак. Табиий овқатланиш қондаси, парҳез йўли билан тозаланиш, жисмоний машқлар, сизни бевақт кексайишдан сақлайди. Мен 99 фоиз касаллик нотўғри овқатланиш ва нотабиий озукалар истеъмол қилишдан келиб чиқишига ишонаман. Одамлар касал бўлиб қолишига,

ЭРТАГА — ЯКШАНБА

Бугун шанба, эртага якшанба. Дам олиш кунларини кўнглили, мароқли ўтказишни хоҳлаган ёшлар учун ажойиб янгилик. Бугундан бошлаб газетамизнинг ҳар шанба сониди "Эртага — якшанба" саҳифаси чоп этилади. Унда сиз ўзингизни қизиқтирган саволларга, табиатнинг сирли жумбоқларига жавоб топасиз. Ўйлаймизки, саҳифамизнинг ранг-баранг бўлишида мактубларингиз бизга ҳамроҳ бўлади.

Яхши кайфият ҳамроҳингиз бўлсин!

ЭҲ-ҲЕ!

Дунёда ҳар дақиқада 150 чақалоқ, ҳар соатда 9 минг, ҳар суткада 200 мингдан ортиқ чақалоқ туғилади.

2100 йилда Ер шари аҳолиси 40 млрд.га, ўртача зичлиги 120 кишига, 2300 йилда эса 1 трлн.га етиши мумкин деган тахминлар бор.

КУВВАТ — ЯШАШ УЧУН МУКОФОТ

тез қариганига овқатдан бошқа ҳамма нарсани айблашади. Шунинг учун азоб чекишимизнинг сабаби жумбоқлигича қолаверади. Оғир хасталикка учраган пайтингиз иштахангиз йўқолади. Ҳатто овқатни кўрсангиз қайт қилгингиз келади. Ҳақиқий аҳволдан беҳабар қариндошларингиз, дўстларингиз эса "овқатланиб ол, дармонга кирасан", дея маслаҳат беришади. Сиз ўша вақтда таомга эҳтиёж сезмайсиз, чунки тафаккурингиз овқатни тўхтатиш ҳақида огоҳлантиради. Табиат шу пайт оч қолишингизни, куч-куватингизни тозаланиш жараёнига сарфлашни истайди. Парҳез маҳали зийрак тортасиз, тафаккурингиз чархланади, ўзингизни енгил ҳис қила бошлайсиз.

Синглим нимжон туғилганди. Онам унга сут, қаймоқ, гўшт, картошка, гуруч, хуллас қандай овқат оғирликни оширса ўшани кўпроқ беришга ҳаракат қиларди. Йиллар ўтаверди, лекин синглим семириш ўрнига озарди. Баъзан ҳолсизланиб, ўрнида ётиб қоларди. Ўқишни тугатиб яна туғилган юртимга қайтдим. Синглим шу даражада озиб кетгандики, дарсдан келиши билан ўринга ётарди. Ёзги таътил бошлангани учун уни ўз услубим бўйича даволай бошладим. У бирданига етти кунлик тўлиқ парҳез сақлади. Аввалига қисқа, кейин узоқ масофаларга сайр қилди. Таомноманинг эллик фоизи янги сабзавот ва мевалардан иборат эди. Бундан ташқари унга қайнатилган сабзавот, писта, дон майсалари, ёнғоқ ва ёнғоқ мойи бердим. Уч ҳафтадан сўнг, у яна ўн кунлик парҳез сақлади. Кўп ўтмай менинг озгингина синглим жозибадор қизга айланди, гўё унинг танаси қайтадан жонланди. Синглимнинг ўзгаришини кўриб, ҳамма ҳайратга тушди".


Бизда кўплаб ишлар кувват талаб қилади. Кувват — бебаҳо нарса! Кўпчилик уни дори-дармон, спиртли ичимлик, тамаки, чой, кофе кабиларни истеъмол қилиб олмоқчи бўлади, улар янглишади. Бреггер таъбири билан айтганда, "Кувват — бу яшаш учун мукофот"дир.

Оғ'риқ БИР РАСТА ДЕБ ДИЛ ХАСТА

Бугун юртимизда бозор кўп. Ҳар биримиз у ердан ўз эҳтиёжларимиз учун зарур бўлган нарсаларни харид қиламиз. Лекин, кўпинча бозорларимизда нималар содир бўлаётганига унчалик аҳамият бермаймиз. Яқинда "Фарҳод" бозорига боришимга тўғри келди. Киришингиз билан унинг икки томонида ўтириб турли маҳсулот сотаётганларга кўзингиз тушади. Ҳар ким ўз харидорининг кўнглини олиш билан банд. Нима бўлди-ю, шу пайт бир аёл кимнидир бақириб, ҳақорат қила бошлади. Маълум бўлишича бошқа бир аёл унинг савдо растасида ўз маҳсулотини сотаётган экан. Юқоридаги аёл эса бор "маҳорати"ни ишга солиб, одам эшитганида уялиб кетувчи сўзлар билан иккинчи аёлни

сўкарди. Унинг бу ҳаракатлари бир-икки ёш болани инobatта олмаганда деярли ҳеч кимни ажаблантирмади. "Гуноҳдор" аёл эса нима қилишини билмай, бозорни тарк этишга мажбур бўлди. Мен бироз ҳайрон бўлиб турдим-да, сўнгра ҳамма қатори ўз йўлида давом этдим. Қизик ўша "иболи" аёлнинг жамоат ичиде ўзини шундай тутиши шартмикин? Маломатлар остида қолган "гуноҳдор" аёлга ётиги билан тушунтиришнинг иложи бор эди-ку? Ёки бозор иқтисодиёти дегани ўзликни унутиш деганимикин? Манфаатларимиз йўлида инсонийликдан воз кечиб, меҳр-оқибатни унутиб қўймайлик, яхшилар.

Аминжон ХАЛИЛОВ,
талаба



ТОПГАН — ТОПАЛОҚ

1. НАТО ҳарбий блоки қачон тузилган? Бу сўз қандай маънони англатади?
2. Давлат бошлиқлари монархияда қандай номлар билан юритилади?
3. Дунёдаги энг чуқур кўмир шахтаси қаерда жойлашган?
4. БМТ комиссияси дунёдаги қайси дарё сувини нафақат ичишга ва ҳаттоки ерларни сўғориш учун ҳам ман қилди? Бу дарё қайси давлат ҳудудидан оқиб ўтади?
5. Автобуслар ишлаб чиқариш билан машхур бўлган шаҳар.
6. Мис саноати ривожланган давлат.
7. Қайси давлатларда темир йўл умуман йўлга қўйилмаган?
8. Ҳозир дунё бўйича ҳарбий эҳтиёжга сарфланаётган харажатлар қанчани ташкил этади?
9. Словакия Республикасидаги жаҳонга машхур дам олиш масканининг номи?
10. АҚШ президентларидан бири шарафига қўйилган шаҳар. Викторина саволларига тўлиқ жавоб йўллаган мухлисларимизни "Turkiston"нинг махсус совғаси кутади. Мактубларингизни кутамиз.

«ШАҲАРДАН ОРҚАДАМИЗ»

Мактабни битиргач, ўқишни давом эттириш мақсадида Тошкент Давлат техника университетига ҳужжатларимни топширдим. Афсуски, синовдан ўтолмадим. Ўша йили (2000 йил) синфдошларимдан ҳеч бири ўқишга киролмади. Балки, билимимиз етмагандир... Жамоа ширкат хўжалигига ишга кирдим. Тинмай меҳнат қилдим, бироқ бирим икки бўлмади. Ишлаганимга икки йил тўлган бўлса, ҳалигача тузук маош олганим йўқ. Ҳали қараса режани бажармадинглар, деб маош ёзмайди, ҳали қараса...

Ўйлайвериб ўйимга етолмайман. Шаҳарликларга маза-да. Иссиқ, совуқ сув тайёр. Кетмон чопай демайди, телефон уйда. Бизда-чи, телефон қилиш учун туман марказига боришимиз керак. Чироқни-ку, айтмасам ҳам бўлади. Бир кун ёнса икки кунга ўчирилади. "Эсмеральда"гача ёнсин деб кўз тикиб ўтираемиз.

Шаҳар ривожланыпти. Биз эса (билмадим неча йилга) шаҳардан орқада қолиб кетяпмиз. Қишлоғимиздан пойтахтда ўқиётган ёшлар пойтахтда ишлаб қолишяпти. Улар келса, балки олдинга силжиш бўлармиди...

Улуғбек ИСМОИЛОВ,
Китоб тумани

СЕҲРТАРЛИК ҲИМА?

Сеҳргарлик — одам, ҳайвон ва табиатга ғайритабиий йўл билан таъсир ўтказиш мақсадида бажариладиган хатти-ҳаракатлардир.

Душманга зиён-заҳмат етказиш

Бу сеҳргарликнинг моҳияти турли хатти-ҳаракатлар орқали ғайритабиий йўл билан ўз душманга зиён етказишдан иборатдир.

Бу ниятни амалга оширишда турли усуллар қўлланилган. Меланезияликлар бу маросимни куйидагича кўринишда бажарганлар: душманни ўлдирмоқчи бўлган сеҳргар душман еган овқатнинг қолдиқларини, сочининг толасини, буюмининг бир парчасини, ташлаган тирноғини, оёғининг изини топиб келган. Сўнгра уларни ўзи сеҳрли деб ҳисоблаган моддаларга аралаштириб, уни ёқиб юборган ёки сувга чўктирган, ёхуд чириштириб юбориш учун ўзига маълум жойгагина кўмиб қўйган. Бир неча кундан кейин чириётган нарсанинг ҳид чиқариши, душманнинг ўлганлигини билдирган.

Яна баъзи халқларда эса душманини йўқ қилиш учун уларнинг қадам изларига ўт қўйиб юборишнинг ўзи етарли бўлган.

Австралияликларда эса агар хотин эрини ташлаб қочиб кетса, эри ўзининг ўртоқлари билан биргаликда ерга хотинининг тасвирини чизганда, дуо ўқиб туриб тасвирнинг бирор жойига найза санчган. Бу билан қочиб кетган хотинга зиён етказган.

Одамлар бировга зиён-заҳмат етказишда одамнигоҳининг "сеҳри"га ҳам қаттиқ ишонганлар. Сеҳргарликка оид мисолларда эса сеҳргар бевосита одамнинг ўзига эмас, балки тирноқ, соч, суяк, қурол, одамнинг тасвири орқали унга шикаст етказаркан. Сеҳргарликнинг кучи-моҳияти ҳам шунда. Агар душманнинг ўзи топиб келиниб жазоланганда эди, у сеҳргарлик бўлмай қоларди.

Сеҳргарликнинг навбатдаги турларини саҳифанинг кейинги сонларида ўқийсиз.

ЧИРОЙЛИ БЎЛИШНИ КИМ ХОҲЛАМАЙДИ?

Qizlarga maslahatlar

Чиройли қадди-қомат инсонга хусн эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Бунга эришиш учун гавдани ва бошни тўғри, тик тутиб, елкани сал кериб юриш лозим.

Бундан ташқари, гимнастика билан шуғулланиш, стулда тўғри ўтиришга одатланиш керак. Киши териси зарарланмаган ва тоза бўлса, касаллик кўзгатувчи микроблар организмга кира олмайди. Шунинг учун терини тоза сақламоқ зарур. Юзни эса совун билан иссиқ, кейин совуқ сувда ювилса, яхши бўлади. Териси қуруқ қизлар кечкурун юзни ювиб, ланолинли крем суртиши мумкин.

Тери остида ёғ ва тер безлари бўлади. Агар безларда меъеридан кўп ёғ ажралса, юз ёғли бўлиб, ялтираб туради. Ёғли тери салга яллигланади, хуснбузар тошиши, йирингли касалликлар пайдо бўлиши мумкин.

Терини парвариш қилишда тўғри овқатланишнинг аҳамияти катта. Териси ёғли қизлар сариёғ, хамир овқатлари ва ширинликларни камроқ ейишлари, шўр, аччиқ таомлардан ўзларини тийишлари лозим.

Териси қуруқ қизларга таркибидан витамин А кўп бўлган таомлар, чунончи сариёғ, жигар, тухум сариғи, сабзи фойдалидир.

Соч ҳам қизларга хусн. Сочнинг чиройли бўлиши учун уни тўғри парвариш қила билиш керак.

Сочнинг ялтироқ ва майинлиги ёғ безларидан ажралиб чиқадиган ёғ миқдорига боғлиқ. Сочни қуруқ қизлар бош ювганларида турли хил шампун ёки бўлмаса "Ланолиновые", "Детское" совунларини ишлатиши яхшигина самара

Тани соғ, ҳар тарафлама уйғун ривожланган қизни гўзал дейдилар. Юзидан саломатлик гуркираб турган қизнинг сочлари чиройли, терисининг ранги ёқимли, тишлари садафдек оқ бўлади.



келтиради. Ёғли сочлар учун уни ялтиратиб, рангини тиниқ қилувчи воситаларни ишлатиш

мумкин. Сочни тўғри тарашда ҳам гап кўп. Узун соч аввал учидан таралади.

Сўнг аста-секин илдиз томонга ўтилади. Кейин сочни илдизидан учига қарата бир неча марта тараш керак. Шунда соч илдизидан ажраладиган ёғ сочни силлиқ қилади.

Тиш ҳамма вақт чиройли ва соғлом бўлиши учун уни муттасил парвариш қилиш лозим. Тишни тозалаб, оғизни чайишдан мақсад овқат қолдиқларидан тишни фориг этишдир. Акс ҳолда оғизда микроблар йиғилади. Бу киши саломатлигига путур етказишдан ташқари оғизда нохуш ҳид пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади.

Шунинг учун овқатланиб бўлгандан сўнг оғизни чайиш керак. Тишни эрталаб ва ётишдан олдин чайиб ётиш ўринлидир. Қаттиқ овқатларни (айниқса, янги сабзавот ва меваларни) чайнаб

еганда тиш яхши тозаланади, тишда "тош" йиғилишини олди олинади, милклар ўз-ўзидан масаж қилинади.

Тоза ювилмаган қўллар турли хил касалликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун қўлни мунтазам равишда ювиб, тирноқларни ўз вақтида олиб туриш керак. Ювилган қўлни қуруқ қилиб артиш лозим. Шундай қилинмаса, қўлда қолган сув бугланиб, терини қуритиб юборади. Натижада тери қуруқлашиб, дағал бўлади.

Оёқни ҳам ҳар кун ювиш керак. Шунда оёқ терлаши ва нохуш ҳид келиши мутлоқ бўлмайди. Оёқ тирноқларини ҳам вақтида олишни унутманг.

Ана шуларга риоя қилиб ўсган қизни ҳамма чиройли ва ораста дейди, бундай қизларнинг табиати равшан, ўзлари ҳам қувноқ бўладилар.

Д. ОТАҚУЛОВА



Тургунбек МАХКАМОВ олган суратлар

ДЎСТ ГУНОҲИ КЕЧИРИЛМАДИ

Дўст бўлиш осон, аммо уни сақлаш қийин, деб бекорга айтишмаган. Дўст — кўнгил талпинган инсон. Дўстлашнинг илиқ туйғулари мактаб давриданоқ бошланади. Бироқ дўстлик ипини тасодифан узиш туйғули бутун умр киши виждон азобида яшати мумкин. Ахир, ипни улаган билан тугуни барибир қолади-да.

Ўша пайтлар айна қишнинг совуқ кунларида, гарчи куннинг совуқлигига қарамасдан ҳеч ким дарсдан қолмасди. Мактабимиз биноси эскироқ бўлганлиги учун синф иситгичи ўтин билан ёқилар эди. Синфга югуриб кирардик-да, иситгичнинг атрофига тизилиб ўтириб олардик. Бир кун катта танаффусда синфдаги ҳамма қизлар ташқарига чиқиб кетишган, синфда фақат беш-олти ўғил болалар қолгандик. Иссиққина иситгич атрофида суҳбат қизирди. Улуғбек кўлидаги темирни ўтда қиздира бошлади. Унга ҳаммамиз эътиборсиз эдик. Ахир, ўша темирнинг бир фалокатга

сабабчи бўлишини биз қаердан ҳам билибмиз?

Улуғбек қизиб турган темирни ҳазиллашиб, ёнида ўтирган Анварнинг юзига гап асносида яқинлаштира бошлади. Бу ҳолатдан Анвар ҳам бежавотир ўтираверди. Чунки, бу ҳаракатларнинг барчаси ҳазил эканлигини тушуниб турардик. Кутилмаганда Улуғбекнинг қўли титраб, темирни Анварнинг юзига теккизиб юборди. Анварнинг чинқиригидан ҳамма югуриб-келиб, бу воқеадан хабардор бўлди. Тезда уни касалхонага олиб бордик. Шифокорлар муолажа қилишди. Аммо Анварнинг юзи хунуқлашиб, катта қора доғ пайдо бўлди. Энди эса Улуғбек минг афсусда. Ахир, у ҳам бунчалик бўлади деб ўйламаган эди-да.

Анварни ҳар кўрганимизда ўша мудҳиш воқеа ёдга тушаверади. Ҳазилнинг тағизил деганларидек, Улуғбек дўстига кечириб бўлмас озор етказганлиги учун бир умр виждон азобида қолди. Унга ҳам раҳимимиз келади.

Ортиқхўжа НОРОВ



Фарзанд — муҳаббат меваси, оиланинг мустаҳкамлигини, тотли оила муҳити давомийлигини узвий боғлаб тургучи, таъ-

минловчи риштадир. Туғилажак фарзанд хоҳ ўғил, хоҳ қиз, хоҳ соғлом, хоҳ ногирон бўлсин, у сизнинг зурриёдингиз, жигарбандингиздир.

Яқинда бир воқеанинг шохиди бўлдим. Кўчада "Ногиронлар уйи"ни излаб юрган ёш ота-онани учратдим. Улар кўринишидан ўзига тўқ оиланинг фарзандлари. Бу икки ёш қариндош бўлишига қарамай, турмуш қуришган ва уларнинг биринчи боласи соғлом туғилган. Аммо фалакнинг гардиши билан кейинги фарзандлари туғма ногирон ва руҳий носоғлом бўлиб дунё юзини кўради. Шифокорлар болани даволаб бўлмаслигини, бундай бола 12 ёшдан ортиқ яшай олмаслигини ачиниш билан таъкидлаганида, қизнинг оиласи болани "Ногиронлар уйи"га

ташлаб келишни, кувнинг оиласи эса шифокорларга бироз пул бериб, боладан биратўла кутулиш "чора"сини ўртага ташлайди. Ҳар иккала оиланинг ҳам қарори жирканч, ахир ҳар бир ота-онанинг ҳам ҳуқуқий, ҳам диний жиҳатдан белгилаб қўйилган бурчлари бор-ку. Бундан ташқари, бир умрга етгучи виждон азоби уларни қийнашини ҳисобга

раб, ота-оналик меҳрини беришади, ҳамма болалар қатори уни ҳам (ногиронлар аравачасида) сайр қилишга олиб чиқишади. Умидни ҳеч кимдан яшириб, сир тутиб эмас, эркин, яна ҳамма ҳавас қилгудек тарбиялашапти.

Энди юқоридан мисол келтирган оила билан бу оиланинг таққосласак, ҳар иккала оиланинг соҳиб ва соҳибалари ҳам ишли одамлар, ҳар икки оиланинг моддий таъминоти ҳам деярли бир хил. Аммо улар ўртасидаги катта тафовут ота-она меҳри, фарзандга муҳаббат, ота-оналик бурчи деб аталмиш туйғуларнинг битта оилада йўқлигидадир. Ҳар икки оиладаги ногирон болалар ота-оналарнинг камчилиги, хатоси, қолаверса, Яратганининг амри билан туғилган беғуноқ болалардир. Бундай болаларнинг бевақт ўлими, ёхуд беғуноқ қони жавобсиз қолмаслигини унутмайлик. Алишер Навоий бобомиз айтганларидек: "Бола инжу бўлса, ота-она ўша инжунни қўйнида сақловчи садаф, яъни ота садафу бола ундан дунёга келган зурриёдидир. Денгизда на садаф, на инжу бўлмаса, у қандай қилиб денгиз деб аталсин?"

Дилфуза ТУРСУНОВА, талаба

НОГИРОН ФАРЗАНДНИНГ АЙБИ НИМАДА?

олишмаган, чамамда.

Шифокорлар "Биз ўзини пулга сотувчи ёлланма қотил эмас. Бу иш қўлимиздан келмайди" деган жавобни беришгач, бола ўзининг ота-онаси томонидан узоқ шаҳардаги "Ногиронлар уйи"га ташлаб кетилди. Ва бу уйда бир неча йилдан сўнг дунёдан кўз юмди. Лекин беғуноқ боланинг ташлаб кетилиши инсофданми?

Қўшни уйда Салима опа ва Тургун акалар Умид исмли фарзандлари билан бахтли, тотув яшашади. Умид беш йил деганда туғилган, ногирон бола. Аммо уни ота-онаси ҳеч кимдан кам қилмай, ювиб-та-

ОМАД

SAN'AT OLAMI

ИСТЕЪДОДЛИ КИШИДА БЎЛАДИ

Биз таникли актёр, Ўзбекистон халқ артисти Зикр Муҳаммаджоновни машғулот пайтида учратдик. Санъаткорнинг камтар, камсукум, самимийлигини юз-кўзларидан, гап-сўзларидан пайқаш мумкин.

— Келинг, суҳбатимизни болалик чоғларингизни эслашдан бошласак.

— Тошкентнинг машҳур Чорсусида туғилганман. Болалигим театр атрофида кечган. У пайтларда спектакллар бинолар, омборхоналарда қўйиларди. Бир куни тоғам билан ҳозирги Абдор Хидоят театрига спектакль кўргани бордик. Саҳнада бир одамга пичоқ урилгани, қон отилиб кетиши, ўлиб қолди. Эсимда йўқ, қанақа спектаклиги. Спектакль тугагач, бир одам ўлиб кетди, деб хафа бўлиб чиқаётган эдик, олдимиздан ўлиб қолган актёр чиқиб қолди, ҳайрон бўлдим. Санъат нималигини шунда тушунганим. Санъатга қизиқшим янада ортди.

1937-38 йилларда ҳаваскор актёр сифатида ишга кирдим. У пайтда ҳали институтда ўқимаганман. Театрлар репертуарларидан Чўлпон, Фитрат, Авлоний, Беҳбудийларнинг асарлари олиб ташлангани. Умуман, бу асарларни қўлга олиб ўқиш китоб ҳавосида сақлаш хавфи эди. Ҳали ҳаваскор бўлиб юрган пайтларимдаёқ бир қанча роллар ўйнадим.

Илк ролим Убайдулло (Абдор Хидоят, "Аваз") эпизоди бўлди. Уни Абдор аканинг ўзлари берганлар. Кинофильмдаги биринчи ролим эса "Ватанга совға" фильмидаги бош роллардан биридир.

1945-49 йилларда Тошкент театр ва рассомчилик институтида таҳсил олдим. Ўқиш билан бирга ишладим ҳам. Диплом ишим Шиллернинг "Макр ва муҳаббат"идаги Фердинанд роли эди. Ўқиб юрганимда Абдор ака мени Мақсуд Шайхондиннинг "Жалолиддин" пьесасидаги Темур Малик ролига таклиф қилдилар.

— Актёрлар ҳаётида қизиқарли воқеалар кўп бўлса керак?

— Роль ўйнаш жараёнида ҳамма нарса юз бериши мумкин. Актёр бўлгандан кейин ҳар хил одамнинг ҳолига тушиш керак. Бир ролда дўхтир, бирида ўқитувчи дегандай. Собитов режиссёрлигида суратга олинган "Генерал Раҳимов" фильмида Собир Раҳимов образини яратишим керак эди. Режиссёр генерал кийимини кийиб, уйда ҳам, кўчада ҳам юрсан, токи кийимга кўникмагунингча, деди. Генерал энди энг каттаси. Буни кўрган ҳар қандай ҳар-

бий киши "честь" бериши аниқ. Бир куни кўчадан кўп ҳарбий зобитлар ўтиб қолди. Ҳаммасига "честь" бериб, кўришиб чиқибман. Ўзимнинг генераллигимни унутиб, аста-секин кўникдим. Энди бошқа ҳарбийлар менга "честь" берсалар, мағрурланиб бошимни ирғаб кўярдим.

Яна бир куни "Ўйғониш" кинофильмининг суратга олиш жараёни эди. Фильм сценарийси бўйича мени оёғимдан боғлаб, отда судраш керак. Режиссёримиз бир каскадёрни топиб келди. Оёғимни боғлаш жараёни суратга оладиган, қолганига каскадёрни судрайдиган бўлди. Оёғимни энди боғлаганди, чавандознинг хабари йўқ, шекилли, отга қамчи босди. Хай-хайлаб тўхтатиб қолишди. Билмайман, бўлмаса нима бўларди.

Режиссёр фильмнинг ҳақиқий чиқиши учун ҳеч нарсадан тоймайди. Актёр билан иши йўқ. Биринчи фильмни суратга олиш жараёнида 60 килоли нарвонни кўтариб, даврани айланиб юравердим-юравердим. Охири пишнаб, чарчаб қора терга тушганимда суратга олиш бошланди. Ана шунақа, ҳар бир роль учун қанча машаққат чекилади.

— Навоий бир олам. Унинг дўсти Бойқаро эса яна бир олам. Сиз иккала образни ҳам яратгансиз. Бунга қатта истеъдод талаб қилинса керак?

— Албатта, чунки ҳар бир роль бу — янги характер, янги изланиш, янги оламдир. Навоий образини мен саҳнада, Бойқаро ролини эса экранда яратдим. Давр мафқураси туфайли биз Бойқарони салбий образ сифатида талқин этишимиз керак эди, бироқ ҳозирги кунда барчамизга маълумки, Бойқаро ҳам олижаноб, адолатли шоҳ бўлган. Афсуски, мен бу ҳақиқатни оча олмадим.

— Устоз санъаткор сифатида ёш актёрлар тўғрисида қандай фикрдасиз?

— Орамизда истеъдодли ёшлар кўп. Эркин, Ёқуб, Фатхулло, Ботир, Тохир... Аммо яна режиссура, драматургия муаммосига дуч келаямиз. Бу ёшлар ўзларини намоён қилишлари учун ҳозирда имконият йўқ, деб ўйлайман.

Зухра АЗИЗОВА
суҳбатлашди

айтишларича, улар шахмат тахтасида бир неча бор мағлубиятга учрашган. "Пигмалион"нинг муаллифи болалигида онасига, "Кўринмас одам" ижодкори эса иккинчи рафиқаси — Эти Катринга доим ютқазиб қўйган.

СЕРКИРРА ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

Иоганн Герман Цукертортнинг миллати немис бўлиб (1842-1888), шахмат тожиги асосий даъвогарлардан бири эди. Аммо унга жаҳон чемпионлиги насиб этмади. Биринчи расмий ўйинда Цукерторт Стейницга ютқазиб қўйди. Шунга қарамай, барибир унинг номи шахмат тарихида абадий қолди. Истеъдодли шахматчи ажойиб филолог, кўзга кўринган муси-

Унинг кўзлари фақат саҳнада кулиб турарди. Бошқа пайтда эса жиддий боқади. У ўта истарали инсон. Бир марта суҳбатлашган одам унинг гапларини яна қўмсайверарди. Уни яхши кўрадилар, ардоқлайдилар, қўмсайдилар. Аммо у ҳамма ўйлагандек қизиқчи эмас, аксинча ҳаётнинг иқир-кирларига ўралашиб қолиб, инсонийлигини йўқотиб бораётганларни ҳажвийлик ила ижро этади. Ота-она, қариндош-уруғ, жигарбандлар тўғрисида жўшиб-ёнуб дардли монологлар ўқийди:

"Агар сўзларим келмаса малол, айтаман ростини беёлгон, ҳалол. Ота-онанан улуг зот йўқ, деб ҳар биримиз лоф-қоф урамиз, оғиз йиртамыз. Аслида бечора ота-онамизни бир кун йўқотиб, қабристондан кўмиб қайтамыз..."

Демак, англадингиз. Гап бетақрор истеъдод соҳиби Мирзабек Холмедов ҳақида.

БОЛАЛИК

Мирзабек Холмедов болалигиданоқ бошқалардан ажралиб турарди. Ҳар хил латифалар айтиб, дўстларини кулдирадди. Оилада ҳам ўз "артист"лигини намоён этавергандан

«МЕНКИМ, ОДДИЙ БИР МАСҲАРАБОЗ...»

отаси Мирзабекни "артист" деб қақирган. Мабодо ота-онаси Мирзабекка бирор юмуш буюрсалар, бу ишни бажариш ё унинг эсидан чиқарди ё ака-опаларига ишониб, топшириқни адо этмасди. Ота-онаси уни кой-имокчи бўлсалар, у дарҳол ширин гаплар ёки ажойиб бир латифа айтиб, ота-онасини кулгу билан енгарди. Мана шунақа ҳолат кўп бора такрорлангани сабаб у "артист" номига сазовор бўлган...

СЎНГ

...Сўнг у улғайди. Ичида недир борлигини англади. "Артист" тайёрлайдиган ўқишга кирмоқчи бўлди. Ҳар гал "йўқлаверди". Аммо таъкиллашни истардик, у гарчи ўқишга киришга нўноқ бўлса-да, ҳаёт мактабида обдон сабоқ олган эди. У ўқиганлардан ҳам ўн чандон ортиқ талантга эга эди. Яхши ният ерда қолмас экан, у барибир талаба бўлди. Санъат институтини бошқалар тўрт йилда тугатган бўлса, у роса саккиз йил ўқиди. Бунга сабаб Мирзабек талабалик чоғиданоқ тўйларнинг "гул"ига айланиб улгургани. Унинг харидорлари мўл эди, аммо аксарият тўйлар дарс пайтига тўғри келарди. Шундай пайтларда Мирзабекнинг олдида иккита муаммо пайдо бўларди: ё дарсни танлаш ёки тўйни. У албатта ҳеч иккиланмасдан кейингисини танларди. Ҳа, дарс ҳар куни бор, пул эса... Бу ҳолат эса унинг ўқиш-

дан бир-икки четлатилишига ҳам олиб келди. Курсдошлари эса унинг ёнини олиб, домлалардан кечиришни сўрардилар. Албатта, меҳрибончиликнинг ҳам боиси бор. Боиси шуки, еган оғиз уялар, деганларидек, Мирзабек ҳар гал тўйдан олган "стипендия"си билан курсдошларига роса зиёфат берарди. Қарабсизки...

ҚИЗИҚЧИМИ ЁКИ...

Дарҳақиқат, у қизиқчимми ёки бошқа касб эгасими? Агар қизиқчи бўлса, нега унинг чиқишларида маҳзун ҳолатлар кўп? У монологлари ила нечун кўнгилларга дард олиб қиради? Бундан нимани англаш мумкин?

Бундай саволларнинг жавоби битта: у санъаткор. Санъаткорликни эса кенг маънода тушуниш керак. Тўғри, бизда артистлар кўп, ҳақиқий санъаткорлар эса бармоқ билан санарли. Мирзабек Холмедов ҳам ана шундай "камёб" иқтидорлилар қаторига қиради.

Одатда биз серкирра истеъдод соҳибларига нисбатан, "Ҳа, худо ҳар томонлама берган-да", қабилдаги сўзларни кўп ишлатамыз. Аслида ҳам шундай. Бироқ шу ўринда яна бир нарсани таъкилламоқ жоизки, бундайлар ўзлигини англаб, сўнг санъат ошёнига қадам қўядилар. Қачонки, инсон ўзини англаган тақдирдагина, бошқаларни ҳам тушуниб етади. Бу алломалардан қолган ҳикмат. Шундай экан, Мирзабек Холмедов саҳнага чиқибдан олдин жиддий тайёрланади. Томошабин олдида куруқ сўз билан чиқишдан орланади. Ҳар бир гапини руҳан таҳлил қилгачгина, саҳнага чиқади. Эътибор берган бўлсангиз, у ҳам-

мани кулгининг энг юқори нуқтасига олиб чиқади-да, бирдан дардли монологлар ўқий бошлайди. Шунда қизиқ ҳолат юзага келади: ҳозиргина қаҳ-қаҳа отаётган томошабин юзида андуҳ пайдо бўлади...

Мирзабек Холмедов одамлар орасида кўп юради. Бошда айтганимиздек, у ҳаёт дарсида обдон сабоқ олган. Шу боис ҳам киши руҳиятини теран англайди ва унинг онгу шуурига етиб борадиган сўзлар билан таъсир ўтказди. Энг муҳими, у бошқаларга ўхшаб тўтиқушлик қилмайди. Унинг ҳамма айтадиган гапларини юрагидан олади. Ҳатто монологу қасидалар муаллифи ҳам унинг ўзи. Кулдира-кулдира йиғлатишига келсак, бу ҳолат унинг ички "мен"идан дарак беради.


Менким, оддий бир масҳарабоз, Кулдираман жуда ҳам соз. Кулманг дўстларим, сиз бир нафас, Мен ҳам одам, масҳарабоз эмас. Ҳа, сиртдан қараганда ўзи айтганидек, у ҳам оддий одам. Аммо унинг қалби ёниқ, юрагида айтадиган гаплари кўп. Демак, санъаткорнинг дилтортар сўзлари унинг ижодига қанот бағишлайверсин, мухлислар эса унинг ҳаяжонли монологларидан завқланаверсин...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Shaxmat olamida

СЕВИНГАНИДАН КУЛАРДИ


XVIII асрда яшаган немис илоҳиётчиси К. Баррак ўзининг "Шайтон тўрлари" китобида, жумладан қуйидагиларни ёзади: "Шайтон кашини ёки роҳибни уйқудан уйғотиб, шахмат тахтасига ўтқазилган муваффақ бўлганида зулмат отаси севинганидан кулиб юборарди".



НЎНОҚ УЙИНЧИЛАР

Инглиз ёзувчилари Бернард Шоу (1856-1949) билан Герберт Уэллс (1866-1946) шахматга унчалик хайрихоҳ эмас эдилар. Замондошларининг

қашунос, бир қанча тилларда ўз она тилидек гаплаша оладиган истеъдод соҳиби эди. У айниқса, турк, араб, лотин ва қадимги грек тилларини жуда яхши биларди. Ижодий ишларида кишиларни таажжубга солмасдан қўймасди. 1883-1884 йилларда АҚШ ва Канада бўйлаб қилган сафари пайтида Вайолинг ерларида (кейинчалик штат) маҳаллий аҳоли орасида шахматчилар йўқлиги учун белги-ланган сеанс ўтказилмаслиги Цукертортга маълум бўлади. Аммо Иоганн бундан эс-хушини йўқотиб қўймайди, ўзи тантанали кутиб олинган зал саҳнасидаги фортепьянога яқинлашади-да, уни чала бошлайди.



Концерт муваффақиятли ўтади. "Нью-Йорк таймс" газетасининг мусиқа танқидчиси ва шахмат шарҳловчиси Шинбергнинг шаҳодат беришича, Цукерторт XIX асрнинг машҳур мусиқа ўқитувчиларидан бири Игнац Мошелеснинг шогирди эди. Иоганн Цукерторт шахматни ўз қизиқишлари ичида биринчи ўринга қўйди. У шахмат санъатини ҳақиқий фан деб ҳисоблади. Ҳа, донишманд олим, машҳур гроссмейстер танлаган ҳаёт йўли унга дунёда анча катта шухрат келтирди, тириклигидаёқ ўзига ҳайкал қўйиб кетди.

Анвар ИНОҚОВ,
шахмат бўйича спорт усталлигига номзод

БЕМОРЛИК КЕЧИНИМАСИ

Хаёл худонинг улуг марҳаматидир

Гёте

1. Бундан тўрт йил муқаддам
Ким билан кутган эдинг баҳорни?..

Боқира табассум билан сенга
Қоғозга ўралган совғасин тутаркан
Ўз хаёлидан ўзи сармаст ўн тўққиз ёшлик қиз
Муҳаббат-ла дўстлашмоқчи бўлган маҳаллар...

Дариф, етибмикан онинг додина
Кўргизганми қатра шафиқлик дунё
Сўлдирганми гулгун соғинчларини
Кўздан шўр ёшларин этганми адо...



2. Туманли Альбионнинг бир чеккаси
Римлик хоним ила
Атлантика соҳилларида тентираб юриб,
Кўнглимни уммондай оғир хаёллар босди.

(Тоғдай улкан тўлқинлар билан
Видолар келарми, сўнгсиз видолар...)

Боғлиқ бўлиши мумкинми, дейман,
бутун бошли инсон қисмати
Тўрт йил бурунги баҳора?!



Эҳтимолки, баҳор ўрнида
Келган сўқирликдир, мубталоликдир
Кўзларимга чўғдай босилган
Ҳижратими, ҳижронларими?

Эҳтимолки, у бир мангу ташналик,
Очликдир кетмагай руҳ ила қондан
Ёлғизликдир ёлғизликдаги...



Саҳроий Кабирдай куйдиради вақт
У мени шубҳасиз масҳара этар
У мени хиргойи қилар беписанд
Муҳаббат на эди

боғлара менгадинг
муродинг ҳосили кўксингни тиллашим —
совуқ ел бенаво кезинган боғ ўлди
Ҳолина тўкилиб ҳазонлар йиғлашим.

3. Токи сен бу хилқат ичида бунёд
То бу харобалар ичида обод
Юрагим жаннат эди менинг...

Нечук замон ўтди
Нечук бало кечти
Кўнглинг айвонида ғамгин томошо
Шарпалар кўринар
Қизил-сариқ-оқ
Мотам ичра ўлдим,
умидим ўлмиш,
Ҳирсиёт ичинда сўқир машойих
Нима даво менга қўшиқларингдан?..

Илонми киради тушларимга
Кўзимни ин қилиб, кўнглимни шарбат
Миноралар кирар бесўроқ
Миноралар набийга дўнар
Ва юракка келади яқин
Юрак очилмоқни истар,
очилмас



Дунёдаги энг хавфли маҳбуб
Ҳибс этилган зиндонми ё у?
(Йўқ бу асло менинг фикриммас,
Бир ровий дўстимнинг
ҳорғин миясидан чиққан у қўғур)

... Сен ҳам минорадай келарсан сирли
Сен ҳам минорадай овозсиз қўшиқ
Кечалар йиғлатарсан, кечаларим қон,
Сен менинги, кимнинг бедорлигинан,
Алвон кечаларнинг уйқусизлиги?
Сен кимнинг ҳабиби,
яна ёлғизи,

Суюб асрагучи танҳо болокаш
Суюб асрагучи танҳо болокаш...



4. Ўтирганча дераза ёнида
Ташқарига қараб хаёллар сурсанг

Яқин-яқинларда серрайган бинолар
Узоқ-узоқларда ястанган тоғлар
Маҳзунлик кўргизар одам боласидай
Эҳтимол, бу менинг
Абгорлигимгами бир ишора

Кўзларин қаърига ғойиблик нега,
Ё кўнгли эҳтиёжими эди бу,
Қадим ва ташландиқ қалъа мисоли
Юракнингми деворлари уваланар

... Дераза ёнида ўтирганча ҳамон
Чўксанг, чўкаверсанг ўй ботқоғига
Энди бинолар эмас,
Тоғлар ҳам эмас
Осмоннинг ерга теккан нуқталарига тикилсанг

Қароғингдан мажол тўкилиб битса
Бемехр деразаю унинг ортидаги хилқат олдида
Қани энди тану руҳда қолган бор кучни йиғиб
Соғлом фикр юрита олсанг,
Дераза олдида кетиш ҳақида...

Ҳазон япроғидай мискин тасаввур,
Денгиз кўринади кўзимни юсам,
Денгиз кўринади кўзимни юсам...

2000, Лондон

ЮЛДУЗЛАР СЎЙЛАГАНДА
(01.07-07.07)

КҮЙ.



Кейинги ҳафта фақат оилавий муаммоларингизни ҳал этасиз. Дўстларингиз, қўшнларингиз ва танишларингиздан ўзингизга керакли маълумотларни оласиз. Фақат хулоса чиқаришга ва ўзингизга ортиқча масъулиятни олишга шошилманг. Асосийси, сабр-тоқатли ва фаросатли бўлишга ҳаракат қилинг.

БУЗОК.



Ҳафта давомида ҳеч бир қийинчиликсиз баъзи муаммоларингизни ҳал қилиб оласиз. Бунда сизга танишларингиз ёрдам беришади. Сал уддабуронроқ ва чаққонроқ бўлсангиз, каттароқ ишларни бошлашга ҳам имконият топасиз.

ЭГИЗАКЛАР.



Олдиндан режалаштирган ишларингизни амалга оширишга кўрқмасдан киришаверинг. Фақат чаққонроқ бўлиш билан бирга, интизомли ва эътиборли бўлишингизга тўғри келади. Акс ҳолда, кунингиз беҳуда мақтаниш билан ўтиб кетади.

КИСКИЧБАКА.



Юрагингиз буюрган ишни қилинг. Бир ишни қилишга ўзингизни мажбурламанг. Акс ҳолда ўзингизни беҳуда қийнаб, кўп хатолар қилиб қўясиз. Ҳозирча сабр-тоқат қилиб туринг.

АРСЛОН.



Ҳозир миянгида зўр-зўр гоёлар етилаётган пайт. Лекин бировларга ортиқча ваъдалар бериб юборманг. Яхшиси, яна бир ой сабр қилиб, кейин режалаштирган ишларингизни амалга оширишга киришинг. Асосийси, интизомли ва ташкилотчи бўлишга ҳаракат қилинг, ҳаракатларингиз аниқ бўлсин.

ПАРИЗОД.



Сабр-тоқатли бўлинг, ҳеч кимни шовилтирманг, ишларингизни бир зумда, дарров бажаришга ҳаракат қилманг, чунки барча ҳаракатларингиз унутмасиз ва қониқарсиз натижа бериши мумкин. Яхшиси, танишларни кўпайтиринг, ўз таъсир доиранингизни кенгайтиринг.

ТАРОЗИ.



Бу ҳафта ортиқча ташвишларсиз ўтади. Шу билан бирга ютуқлардан ҳам умид қилманг. Бировларга ўз ҳукмингизни ўтказмай туринг. Сизга кўнгликенглик ва ҳақўйлик ярашади.

ЧАЁН.



Бу ҳафта атрофдагиларга ўзингизни ҳар томонлама кўрсатишингизга имкон туғилади. Узоқ сафарга чиқшингиз эҳтимоли бор. Кўп ишларингиз шиддаткорлик талаб этади.

ЎКОТАР.



Ҳафта давомида фақат бировларга маслаҳатлар, тавсияномалар, баҳолар беришингизга тўғри келади. Ҳатто баъзиларга ҳимоячи бўласиз. Бошқаларнинг муаммоларини ҳал қиласиз, ўзингизникига вақт тополмайсиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ.



Дўстларингиздан маслаҳатингизни, ёрдамингизни аяманг. Сизнинг ҳақўйлигингиз, обрўйингиз уларга жудаям кўл келиши мумкин. Ҳафта турмуш куриш учун жудаям қулайдир.

КОВҒА.



Ишингиз тўлиқ фидойиликни талаб этади. Соғлигингизга эътибор бермай, ишлашингиз, мағрурлигингизга қарамай, одамлар орасида обрўйингиз ўсишига тўртки бўлади. Чунки бошқаларнинг "тиши ўтмайдиған" ишларни дўндириб ташлайсиз.

БАЛИК.



Ўз жозибангиз билан ҳаммани мафтун этасиз. Лекин мақтанчоқлик қилишга ва ўзингизни кўрсатишга ҳаракат қилманг. Эркалар аёлларни ўзига тортиш қобилияти борлигини унутмасинлар. Лекин ҳамма нарса меъёрида бўлгани маъқул. Акс ҳолда соғлигингиздан айриласиз.

МОДАНИНГ КЕТИДАН ЧОПМАНГ, ҚИЗЛАР ЖОН!

Ҳаётда, оилада қиз бола ўз одоби, ибоси, ҳаёси билан ажралиб туриши аниқ. Кўча-кўйда, қаерда бўлмасин, ташқи қиёфасидан кўра ички дунёсига, яъни муомала маданиятини ҳисобга олган ҳолда унга баҳо бериш мумкин.

Шунингдек, ички дунёси билан биргалликда ташқи қиёфаси: кийиниши, ўзига оро бериши, соч турмаклаши ҳам ўзига мос бўлиши лозим.

Қизларни чиройли кўрсатиб турадиган яна бир томони қулоқларига сирға тақиб юришидир. Бу одат илгарги бувила-римиз, момоларимиздан сақланиб қолган бўлиб, қиз бола бир ёшга тўлгандан бошлаб, фақат куз ойдан ташқари ҳамма ойда қулоқ тешилиб, сирға тақиб келинган. Ҳозирги кунга келиб ҳам шундай. Бу эса қиз болани ўғил боладан ажратиб туради.

Лекин кундалик турмушимизда қулоқни бир эмас, бир нечта жойидан тешиб олган қизлар ҳам кўп-кўп учраб турибди. Бунга қандай тушунтириш мумкин? Улар

ҳозирги кун модаси дебми ёки мақсади 3-4 тагача қўша-қўша тилла сирға тақиб, уни кўз-кўз қилиши? Бу билан оддий оилада тарбияланган келажатдаги қизлар қандай аҳволга тушади. Ўзларича мода деб билганларни кўриб уларнинг ҳам ўшалардай юргиси келади. Оқибатда, оилада ота-она ва фарзанд ўртасида келишмовчиликлар юзага келиши мумкин. Қиз бола ўз ҳаёси, ибоси, меҳри, эътибори билан қиз боладир.

Шунинг учун қизларга маслаҳатим, инсон ўзининг зебу зийнати кўпчилиги, бою-бадавлатлиги билан эмас, қизлик иффати билан бошқалар назарида турса яхши бўлармиди?

АҚЛЛИ ҚИЗ тайёрлади

ЧОЛ-КАМПИР ВА ЭШИК

Кунлардан бир куни кампир чолидан хафа бўлиб: "Сен билан энди яшай олмайман, кел, молу мулкларни бўлайлик", - дебди.

Улар уйдаги буюмларни бўлишгач, кампир: "Уйни мен оламан, эшикни сен ола қол, розиман", - дебди. Чол кампирга уйни қолдириб, эшикни орқалаб йўлга тушибди. У даладан жой топибди. Ертўла қазиб, эшикни ўрнатиб яшай бошлабди.

Кампир эшиксиз уйда, чол бўлса эшикни маҳкам беркитиб, ертўлада кун ўтказар эканлар. Аммо кампир пиширган овқатлардан чол келиб, еб-ичиб кетаверар экан. Бундан аччиқланган кампир чолнинг ертўласига борса, чол эшикни очмай, яхши-лаб беркитиб кўяр экан.

Кампир ертўла эшигини очолмай ҳориб, чарчаб яна эшиксиз уйга қайтишга мажбур бўлар экан.

Уй эшиксиз бўлгани учун ҳар ким кириб, қўлига илашган нарсани олиб чиқиб кетаверибди. Кампир бундан жуда хафа бўлиб, кун кечирини қийинлашиб қолибди.

Охири кампир чол ёнига бориб, "Эй, менинг меҳрибон, тентак чолгинам! Кела қол, ярашамиз. Мен сени ўзимнинг эшиксиз уйимга қўяй, сен уйсиз эшигини олиб келиб қура қол", - дебди.

Чол кампирни анча вақт ялантириб, юриб-юриб, ниҳоят "Сенга раҳмим келди!" - деб эшикни орқалаб уйга қайтибди. Шундан сўнг чолу кампир бир-бирини ҳурмат қилиб, сира ҳам аразлашмай, бир кулда узоқ йиллар умр кечиринибди.

"Июнь" хусусий корхонасига берилган № 5072 рақамли касса китоби йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман ҳокимияти томонидан Степанова Зинаида Ильинична номига берилган №0412819 рақамли патент йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Хусусий тадбиркор Сиддикова Маъмура Комилжоновна номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги Муҳаммад Ҳакимов номили 1-ўрта мактаб томонидан Неъматова Умида Неъматовна номига берилган № 1121137 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги 19-мактаб томонидан 2001 йилда йўлдошев Ойбек йўлдош ўғли номига берилган О'Р-Г №779640 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Об утере аттестата за АУ № 280964 выданного школы № 1 им. А.С.Пушкина Ташкентской области Урта Чирчикского района в 1993 году на имя Ни Светланы Геннадьевны считать недействительным.

Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги 19-мактаб томонидан 2000 йилда йўлдошев Улуғбек йўлдош ўғли номига берилган О'Р-А №904115 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Бўри. Кимки бўри тишини ўзи билан олиб юрса, унга ҳеч бир йиртқич ҳайвон зарар етказмайди. Бўри тишидан мунчоқ қилиб ёш болага осиб кўйса, у тутқаноқ касалига чалинмайди.



Кимки, бўрининг ўнг кўзини ўзи билан олиб юрса, унга йиртқич ҳайвонлар зарар етказмайди. Агар бўрининг ёғидан олиб, кўл ва оёқларга суртилса, совуқ уришдан сақлайди.

ЖОНЗОТЛАРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

От. Отнинг гўшти иссиқлик бўлиб, меъдани кучли қилади, кўз сувини кўпайтиради. Агар пиширилган от сутини истеъмол қилинса, кўз рангини кизил қилади. От ёғидан малҳам тайёрлаб, жароҳатга кўйилса, яхши бўлади.



Сигир. Мол гўштини совитиб, қонаб турган жароҳатга кўйилса, қонни тезгина тўхтатади. Унинг гўштини сўгал чиққан жойга боғлаб кўйилса, томиригача куйдириб йўқ қилиб юборади. Сигир шохини куйдириб, шиха билан кўшиб туриб, эски ярага кўйилса, тезда тўзатади.



Кўй. Кўй гўшти иссиқлик, шунинг учун уни доимий истеъмол қилган одамнинг баданидан куруқлик кетади, қувват ошади, кўзи эса равшанлашади. Овози бўғилиб қолган киши кўй сути билан фарғара қилса, овози очилади. Кўйнинг ёғини бодом ёки ўрик ёғи билан кўшиб эзиб, чаён, илон чаққан жойга кўйилса, фойда қилади.




Доно тайёрлади

Siz uchun foydali


БЕҲИ

Беҳи шарбати меъдани кучайтиради ва балғам қусишни тўхтатади. Сиқиб олинган суви нафас қисшига фойдалидир, уни туфукда қон бўлганда ҳам фойдаси катта.



Беҳи терни тўхтатади. Унинг ёғи совуқдан ёрилганда фойда қилади.

Кўрга кўмиб пиширилгани кўздаги иссиқ шишларга кўйилади.



ЛИМОН

Қобиғини кийимга кўйилса, қуя тушишдан сақлайди.

Ёғи асаб бўшашганида фойдалидир.

Сиқиб олинган суви сариқ касалда фойдали. Сафро қусишни тўхтатади.


Наргис ҚОДИРОВА

СКАНВОРД

Кечки расмий танавул				Автокўтаргич		Мослашув Россия илк автоси
				Халқ оғзаки ижоди Ота (шевада)		
Япон фирмаси ...точка		Авиа русум	Иси			
		Лаҳот	Тасалли			
				Марс (арабча)		
	Ризо	Паризод ашбси			Давлат (Африка)	Тантанали кўшиқ
					Спорт кийими	
Зарарқунанда хашорот						... фа
	Одиссей ватани	Авто русум	Дарё (қоз.)		Термизий	
	Шамшир		Таом			
					Қир ювчи кукуни	
					Соҳа	Нота
	Келишқ кўшимчиси	Йиртқич ҳайвон			Мультфильмдаги асалари	Воқиф
		Табнат хазинаси				
					Ҳиндистондаги дарё	

Тузувчи: Холхўжа БАДИЕВ

БОШҚОТИРМА



Энига:
3.Россиялик теннис юлдузи. 6.Венеция қайиқчиларининг кўшиғи. 9.Тўйга тааллуқли кишиларга бериладиган кийим. 12.Болаларнинг севимли оромгоҳи. 14.Халқа шаклидаги йўл. 16."Келинлар кўзғолони" фильмидаги келинлар ичидаги "агент". 17.Мотоциклнинг бир тури. 18.....кул оч қолмас. /мақол/ 19.Лўлиларнинг манзилгоҳи. 20.Мархумнинг шарпаси, кўланкаси. 21.Иш кийими. 23.Экинни парвариш қилиш жараёнларидан бири. 24.Ўзбекистон халқ артисти Аҳмедова. 27.Қадимги юнон файласуфи. 28.Амирзоданинг қисқартирилган шакли.

Бўйига:
1.Давлат йиғими тўланганлиги белгиси. 2.Қарта ўйини тури. 4.Жанубий Америка дашти. 5.Андинонинг севгисини поймол қилган гўзал малика. 7.Эски Жўва бозорининг қадимги номи. 8.Таъсирли драматик асар. 10.Балиқ қулоғи. 11.Энг қадимги қурул тури. 12.Лавозим эгаси. 13.Хушрўй, ёқимли, дилбар. 15.Машҳур француз киноактёри. 21."Дево-на, тентак" сўзларининг синоними. 22.Меҳмон жойи — тўр, жавзо келмай, ...сўр. /мақол/. 25.Ўрта аср кимёгарлари орзу қилган "сеҳрли тош". 26.Қуённинг севимли озуқаси.


Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

Yoqimli ishtaha БАНАНЛИ-ШОКОЛАДЛИ ТОРТ

Бисквитга:
6 та тухум, 6 ош қошиқ шакар, 6 ош қошиқ ун, 3 ош қошиқ какао

Устига:
5 та банан, 8 гр. желатин, 100 мл. вино, 150 мл. олма шарбати, 125 гр. шакар, 650 мл. қаймоқ, 100 гр шоколад, 24 дона шоколадли қаламчалар.

6 та тухумдан шоколадли бисквит пишириб олгач, уни совутасиз ва таги йўқ қолипга соласиз. Бананларни пўстини олиб, узунига иккига бўласиз ва бисквит устига териб чиқасиз. Вино, шарбат, 3 ош



қошиқ шакар аралашмасини банан устидан қуясиз. Желатинни бўктириб кўясиз, кейин ярмидан кўпроғини, сал эритиб кўпиртирилган қаймоққа кўшасиз. Кремнинг ярмидан кўпини тортга сурасиз. Шоколадни эритиб, қолган желатинни унга кўшасиз ва уни крем устига кўйиб, текислайсиз. Тортни музлатгичга 3 соат кўйиб оласиз ва қолипни олиб, устини қолган крем билан безайсиз. Охирида

шоколадли қаламчаларни кўйиб чиқасиз. Ёқимли иштаҳа!
НИЛУФАР

Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги 19-мактаб томонидан 2000 йилда Хайдаров Жамшид номига берилган О'Р-А № 904280 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 255-мактаб томонидан Альбеков Шухрат Раҳматуллаевич номига 1992 йилда берилган А №189102 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Turkiston
МУАССИС:
«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга тошириш вақти-21.00
Тоширилди 22.30
1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А-3.

Бош муҳаррир:
Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖўРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Файрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Фаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан назаридан фарқланishi мумкин.

Вилоят муҳбирлари:

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Термизда: 8-37622 —3-53-88

Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — Бухорода: 8-365—223-37-44

Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — Гулистонда: 8-3672—24-02-86

Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — Фарғонада: 8-3732—24-54-61

Наманган вилояти бўйича — Наманганда: 8-36922 — 6-10-70

Самарқанд вилояти бўйича — Самарқандда: 8-3662 — 34-43-89

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — Урганчда: 8-36222 — 6-50-55

Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма Г. — 556. Адади-8428

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: 133-95-97, Реклама бўлими: (3712) 133-79-69

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Навбатчи муҳаррир: Воҳид БОЙМУРОДОВ

Саҳифаловчи: Нодирбек ОРТИҚОВ